



ЕВРОИТТИФОҚ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 октябрь куни Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Терхи Хакалани қабул қилди.



Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни кенгайтириш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари қўриб чиқилди. Халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Конструктив сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий-техник соҳаларда, экология, таълим, туризм йўналишларида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг дастур ва лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув аввалида ЕИ махсус вакили мамлакатимиздаги демократик ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишларни янада чуқурлаштиришга қаратилган, орта қайтмайдиган Янги Ўзбекистон ислохотлари дастури Европа Иттифоқида юксак баҳоланаётгани, унинг давом эттирилиши изчил қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

Кейинги йилларда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган икки томонлама муносабатлар кўп қиррали ва жadal тус олгани мамнуният билан таъкидланди.

ЕИнинг Марказий Осиё бўйича янгиланган стратегияси қабул қилинган, Ўзбекистонга "GSP+" тизимининг бенефициари мақоми берилгани ҳамда Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик шартномаси дастлабки тарзда имзолангани бунинг далolatидир.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик самарали ривожланмоқда. Биргина жорий йилнинг 9 ойида ўзаро савдо 15 фоизга ўсди. Ўзбекистон махсулотларининг ЕИ мамлакатларига экспорти ҳажми 70 фоизга

кўпайди. Ўзбекистондаги қўшма лойиҳа ва корхоналар сони 1 мингдан ошди.

Европалик инвесторлар иштирокида энергетика ва автомобилсозлик каби юқори технологик тармоқларда, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Сўхбат чоғида барқарор тараққиётга, минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга қўмақлашишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Транспорт, инновация, рақамлаштириш, "яшил" иқтисодиёт, муқобил энергетика ва сувдан оқилна фойдаланиш, инклюзив таълим устувор соҳалар сифатида белгиланди.

Афғонистондаги вазиятни тез фурсатда тинч йўл билан тартибга солиш ва унинг иқтисодий тикланишига қўмақлашиш масалалари ҳам қўриб чиқилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI RASMIY TASHRIF BILAN TURKMANISTONDA BЎLADI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг таклифига биноан 20-21 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, икки томонлама ва минтақавий кун тартибидagi долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтади.

Асосий эътибор Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклик муносабатларини янги босқичда янада мустаҳкамлаш, саноат, энергетика ва кимё тармоқларида, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларида кооперацияни кенгайтириш, фаол

маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш масалаларига қаратилади.

Саммит якунида ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўпламини қабул қилиш кўзда тутилган.

Шунингдек, ташриф давомида Ашхобод шаҳрида "Тошкент" боғини очиш ва Чегараолди савдо марказини қуриш бўйича лойиҳани биргаликда бошлаб бериш режалаштирилган.

ЎЗА

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ БОРАСИДАГИ ДУНЁ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚ НИГОҲИДА

2022 йил 9-15 октябрь кунлари Руанда пойтахти Кигали шаҳрида Парламентлараро иттифоқнинг "Гендер тенглик сиёсати ва гендер масалаларни инobatта оладиган парламентлар тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдаги ҳаракатлантирувчи куч сифатида" мавзусидаги 145-ассамблеяси бўлиб ўтди. Унда 110 дан зиёд давлат, жумладан, Ўзбекистондан миллий парламентларнинг 1200 дан ортиқ аъзоси, 45 нафар парламент Спикери иштирок этди.

▶ Давоми 4-бетда

21 ОКТАБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

СЎЗЛАР ҚИСМАТИДА ЯШИРИНГАН ИНСОНИАТ СИРИ ЁХУД ОНА ТИЛИМИЗ ҲИМОЯСИГА ҲАМИША ШАЙ ТУРАЙЛИК!

"Холиқи олам одамзодга идрок ва Сўз айтиш неъматини бериб, уни барча хилқатларидан устун яратди, жонли ва жонсиз оламга ҳоким қилди. Оламни идрок қилган инсон Сўзни идрок қилади. Сўзни идрок қилиб, оламни янада теранроқ идрок қилади. Сўзнинг илдизига етган киши дунёнинг тагига етгандек баҳра топади. Инсоният тарихи сўзлар қисматида яшириниб ётар экан", — дейди Ўзбекистон Қахрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов "Сўз латофати" номли китобида.

▶ Давоми 6-бетда

Ўзбекистон — Туркменистон:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 20-21 октябрь кунлари расмий ташриф билан Туркменистонда бўлади.

Маълумки, Туркменистон билан икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Икки давлат ўртасидаги мустаҳкам муносабатлар асрлар давомида шаклланган анъанавий дўстлик ришталарига, яхши қўшничилик алоқалари ва ўзаро ишончга асосланган.

Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг бугунги даражасига мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасида йўлга

қўйилган яқин ва ишончли мулоқот самарасида эришилди. Ўзбекистон Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари энг юқори даражасига эришишга ҳамда Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссасини юксак қадрлайди ва эътироф этади.

▶ Давоми 2-бетда

“Яшил макон”:

20 октябрдан 1 декабргача кўчат экиш бўйича

“ДОЛЗАРБ 40 КУНЛИК”

ТАДБИРЛАРИ БОШЛАНДИ

Атрофимизни ўраб турган бу турфа оламнинг ҳар бир неъматини инсон учун яратилган. Бир қарашда чексиз-чегарасиз, поёнсиздек туюлган бу заминни коинотда, аслида, ҳамма нарса ўлчовли. Ана шу жиҳат эътиборга олиниб, муқаддас манбаларимизда табиатдан фойдаланишда тежамкор бўлиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик қайта-қайта уқтирилади.

▶ Давоми 3-бетда

АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

19 октябрь куни Тошкент шаҳрида “Афғонистон: минтақавий боғлиқлик, хавфсизлик ва ривожланиш” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Мазкур форум жорий йилнинг июль ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган “Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий ривожланиш” мавзусидаги халқаро конференциянинг мантикий давоми сифатида томонларнинг Афғонистон ривожланиши ва хавфсизлигини мустақамлаш борасидаги фикрлари муштарак эканини тасдиқлади.

Ушбу халқаро конференция Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан ташкил этилди.

Тадбирда Афғонистон, Покистон, Эрон, Россия, Туркия, Озарбайжон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон ҳамда Ўзбекистон хавфсизлик органлари ва разведка хизматлари делегациялари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг конференция қатнашчиларига йўллаган табрик хатини Президент маслаҳатчиси — Спичрайтер Хайриддин Султонов ўқи эшиттирди.

Анжуман якунида иштирокчи давлатлар вакиллари томонидан ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўйича йўналишлар ва аниқ вазифалар белгиланди. Шунингдек, глобал ҳамда минтақавий хавфсизликка жиддий таҳдид солаётган терроризмга қарши биргаликда қатъий курашишга келишиб олинди.

ЎЗА

Ўзбекистон — Туркманистон: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Бошланиш 1-бетда

Жорий йил март ойида олий давлат лавозимига сайланган Туркменистоннинг амалдаги Президенти Сердар Бердимухамедов Ўзбекистон билан кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш ва икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш йўлини давом эттирди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги уч ой давомида икки давлат раҳбарларининг тўрт марта учрашгани Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги алоҳида муносабатларнинг яққол ифодаси бўлиб, бу бутун минтақа учун намунадир.

Жорий йилнинг 14-15 июль кунлари Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи бўлиб ўтди ва бу ўзаро муносабатлар тарихида янги саҳифани очди.

“Шуни қайд этмоқчиманки, биз учун Туркменистон — минтақадаги ишончли ва муҳим ҳамкор. Бизнинг кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги интилишимиз қатъий, энг яқин қўшимчи билан стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама мустақамлаш ниятидамиз”, — деди Президент Шавкат Мирзиёев Куқсаройда Туркменистон раҳбарини қабул қилар экан.

Икки давлат раҳбарлари 21 июль куни Чўлпон-отада (Қирғизистон) бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқандда бўлиб ўтган саммити (15-16 сентябрь), шунингдек, 13-14 октябрь кунлари Остона (Қозоғистон) шаҳрида бўлиб ўтган МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси ва “Марказий Осиё — Россия” саммити доирасида ҳам учрашди.

Бўлиб ўтган учрашувларда Ўзбекистон ва Туркменистон етакчилари сўнгги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида эришилган икки томонлама ҳамкорликнинг барча жабҳалари бўйича ижобий динамикани мамнуният билан қайд этиш баробарида, ўзаро ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро кун тартибидagi масалаларга, жумладан, Марказий Осиёда шаклланган ўзаро ишонч, яхши қўшимчилик ва шериклик муҳитини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. БМТ институти, МДХ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа тусзилмалар доирасида фаол алоқаларни давом эттиришга катта аҳамият берилляпти.

Ўзбекистон Президенти 8 сентябрь куни Тошкент шаҳрида ўтказилган жаҳон мамлакатлари парламентлари аёл раҳбарларининг саммити доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган Туркменистон Миллий Кенгаши Мажлиси Раиси Гулшат Маммедовани қабул қилди. Кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма кооперация лойиҳаларини ва маданий-гуманитар алмашув дастурини илгари суришда икки мамлакат парламентлари муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди. Парламентларо иттифок, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги самарали мулоқот майдончалари доирасидаги сермахсул ҳамкорликка юқори баҳо берилди.

Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳамжмини ошириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш, транспорт ва транзит имкониятларидан фойдаланиш икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришни устувор йўналишларидандир.

— Мамлакатларимиз улкан салоҳиятга эга муйайян тармоқлар орасида биз агросаноат мажмуи, энергетика, кимё ва нефть-кимё, машинасозлик, тўқимачилик ва фармацевтикани қайд этмоқчимиз, — деди Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов жорий йил 14 июль куни Тошкентда ўтказилган олий даражадаги музокаралар чоғида. — Бизнес доиралари ўртасидаги шерикликни кенгайтириш учун жиддий имкониятлар бор. Кейинги йилларда чегарадош ҳудудлар ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Ўзбекистон билан ҳамкорликни давом эттириш ва кенгайтириш ниятидамиз.

Бу борадаги ҳамкорликнинг ҳозирги даражаси ижобий динамика билан тавсифланади: автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик ва фармацевтика саноати, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигида ўзаро ҳамкорлик кенгаймоқда, кимё саноатидаги шериклик стратегик даражага кўтарилди. Жорий йил бошидан буён ўзаро товар айирбошлаш ҳамжи 570 миллион доллардан ошди. Яқин йилларда товар айирбошлаш ҳамжмини икки баробар ошириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон — Туркменистон чегара савдо зонаси ташкил этилмоқда, мамлакатларимиз пойтахтларида Савдо уйлари очилди. Савдо-иқтисодий тегишли қарор қабул қилинди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантиришнинг ўрта муқаддлатли дастури ишлаб чиқилди, шунингдек, энг истиқболли лойиҳаларни

илгари суриш мақсадида Қўшма лойиҳа офисини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим йўналиши транспорт соҳасидаги алоқалар ҳисобланади. Утган йили юк ташиш 17 фоизга ошган бўлса, бу йил ҳам бу тамойил давом этмоқда. Томонлар минтақа давлатларининг ноёб транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишдан, жумладан, юкларни ташишда ўзаро имтиёз ва преференциялар беришдан манфаатдордир.

Худудларо тизимли мулоқотни ривожлантириш Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигига янги суръат бағишламоқда. Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг доирасида Бухорода ўтказилган биринчи Худудларо форумининг муваффақиятли якунлари фойдаланишдан улкан салоҳиятга яққол намоён этди. Форум доирасида умумий қиймати 450 миллион доллардан ортқ бўлган мустақам шартнома ва битимлар тўплами имзоланди.

Икки давлат ўртасидаги сарможий ҳамкорликни чуқурлаштириш асосий вазифалардан бирига айланмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда туркман капиталли иштирокидаги 173 та корхона фаолият қўрсатмоқда, шундан 69 таси қўшма ва 104 таси 100 фоиз хориж сармојси иштирокидаги корхоналардир. Томонлар икки мамлакатда тайёр тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳалар сонини сезиларли даражада ошириш ниятида. Бундан ташқари, Туркменистонда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги, машиий техника жихозларини ишлаб чиқариш қўшма лойиҳаларини йўлга қўйишдан ҳам томонлар манфаатдор.

Қардош ўзбек ва туркман халқларининг тарихи, маданияти бир, тили ва урф-одатлари муштарак. Буюк шоир ва мутафаккирлар Алишер Навоий ҳамда Мақтумқули Фироғий икки томонлама ҳамкорликни давом эттириш ниятида. Туркменистонда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги, машиий техника жихозларини ишлаб чиқариш қўшма лойиҳаларини йўлга қўйишдан ҳам томонлар манфаатдор. Қардош ўзбек ва туркман халқларининг тарихи, маданияти бир, тили ва урф-одатлари муштарак. Буюк шоир ва мутафаккирлар Алишер Навоий ҳамда Мақтумқули Фироғий икки томонлама ҳамкорликни давом эттириш ниятида. Туркменистонда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги, машиий техника жихозларини ишлаб чиқариш қўшма лойиҳаларини йўлга қўйишдан ҳам томонлар манфаатдор.

“Тошкент” боғи барпо этилди.

Илмий ва академик алмашувлар, инновациялар соҳасидаги дастурлар ҳам фаол ривожланыпти. Ўзбекистон ва Туркменистон маданий ва киноси кунлари мунтазамлик касб этиб, туризм соҳасида қўшма лойиҳалар илгари сурилмоқда.

Ўзбекистондаги туркман диаспораси 200 мингга яқин кишини ташкил қилади. Мамлакатимизда уларнинг тили, маданияти, урф-одатларини авайлаб асраш, ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, туркман тилида таълим берадиган 44 мактаб, Қорақалпоқ давлат университетига туркман филологияси бўйича мутахассислар, Ажиниёз номидаги Никус давлат педагогика институтига туркман тили ўқитувчилари тайёрланмоқда.

Ўзбекистон телевидениесининг “Ёшлар” канали ва Қорақалпоғистондаги “Дияр” радиоканалида туркман тилида қўрсатув ҳамда эштитиришлар эфирга узатилмоқда. Қорақалпоғистондаги Туркман маданият маркази муассислигида туркман тилидаги “Мекан” газетаси чоп этилляпти.

Ўзаро маданий алмашувлар халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустақамлаш ва ўзаро англашувни оширишга хизмат қилаётди. Шу боис, мамлакатларимиз ўз она тили, маданияти, анъана ва урф-одатларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишда давом этади, икки мамлакат адабиётининг мумтоз ва замонавий муаллифлари асарларини таржима қилишни қўллаб-қувватляпти.

Мухтасар қилиб айтганда, икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштириш, жумладан, ўзаро товар айирбошлаш ҳамжмини ошириш, саноат, энергетика, транспорт ва қишлоқ хўжалиги жабҳаларида алоқаларни мустақамлаш, маданий-гуманитар алмашувлар дастури қўламли кенгайтириш учун катта салоҳият мавжуд.

Ўзбекистон ва Туркменистон Президентларининг бўлажак учрашуви қардош мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантиришга катта суръат бағишляпти, уларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

Эришилган келишувлар, ўз навбатида, икки давлат халқлари фаровонлиги, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор тараққиётни мустақамлаш йўлидаги салоҳиятнинг рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

“Дунё” АА

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ БАРВАҚТ ВА СИФАТЛИ ТАЪМИНЛАШ: ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИГАН

ТИЗИМЛИ КАМЧИЛИКЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

**Ақтам МУҲАММАДИЕВ,
адлия вазири ўринбосари**

Аҳоли турмуш даражаси, фаровонлиги юксалиши, ислохотлар натижадорлиги бевоисита мамлакатдаги институтларнинг самарали ишлаши, айниқса, ислохотларни амалга оширишга қаратилган ҳужжатлар ва топшириқларни ижро этиш бўйича интизомнинг қатъийлиги ва самарадорлиги мевасидир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисага йўллаган Мурожаатномасида айнан мазкур йўналишда ижро интизомини мустақамлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 10 февралдаги қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган **фармони** ва 2021 йил 31 майдаги қарори ҳамда 2022 йил 26 июлдаги фармони қабул қилинган бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Ушбу ҳужжатлар асосида Адлия вазирлигига қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини самарали ташкил этиш, уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан қатъий назоратни олиб бориш бўйича қўшимча вазифалар юклатилди ҳамда мамлакатимизда ижро назоратининг фундаментал асоси яратилди ва шу аснода бу борада **мутлақо янги ва яхлит тизим** йўлга қўйилди. Шунингдек, тегишли соҳа ва тармоқларда **ижро интизомини мустақамлаш борасида** биринчи раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш бўйича **янги талаблар белгилаб берилди**.

Тарғибот ва тушунтириш орқали профессионал салоҳиятнинг ошириш — янги тизимнинг мустақам пойдевори

Мазкур янги тизимнинг жадал ишлаб кетишини таъминлаш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари билан бир тўлқинда ишлаш йўлга қўйилиб, улар учун **ўқув амалий семинарлар** ташкил қилинди.

Жумладан, топшириқлар ижросини **вилоят — туман — маҳалла** кесимида ташкил этиш, масъул ижрочиларда **ижро этиш** касини шакллантириш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларнинг **14 мингдан ортқ** раҳбар ва ходими учун **ўқув амалий семинарлар** ўтказилди.

Шунингдек, барча давлат органлари ва уларнинг қўйи бўғинлари билан “бир нуқтадан туриб” ишлаш, қоғозсиз ҳужжат айланиши ва ижро назоратини таъминлаш имконини берувчи “lrg.gov.uz” тизими бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда тақомиллаштирилди ва тизимга **3 мингга** яқин ташкилот улангани таъминланди. Шу билан бирга, топширик ва кўрсатмалар сонини мақбуллаштириш ҳамда ижро натижадорлигини таъминлаш мақсадида республика бўйича доимий назоратдаги **100 дан ортқ** топширик ва кўрсатма республика — вилоят — туман кесимида таҳлил қилинди.

Топшириқларни ижрочиларга ўз вақтида етказиш, мазмун-моҳиятини тушунтириш, тўлиқ ва натижалли ижро этилишини ташкил этишга доир **ҳуқуқий-услубий қўлланма** тайёрланиб, **169 та** давлат органи ва ташкилотига тарқатилди.

Топшириқ ижросини жойига чиққан ҳолда назорат қилиш — ижро интизомини таъминлашнинг муҳим омилли

Ўзбекистон Президенти ҳужжатлари билан жорий этилган янги тизим талабларидан келиб чиққан ҳолда топшириқ ижроси назоратини фақат электрон тизим орқали назорат қилиш билан чекланиб қолмасдан, **жойига чиқиб амалда назорат қилиш ҳамда муаммоларнинг асл сабабларини ўрганиш амалиёти йўлга қўйилди**.

Хусусан, 2022 йилда январь-сентябрь ойларда Адлия вазирлиги томонидан **100 мингдан зиёд** ижро натижаси кўриб чиқилган бўлса, шундан **1000 дан ортқ** топширик ижроси жойига чиқиб ўрганилиши таъминланди.

Биргина мисол. Давлат раҳбарининг видео-селектор йиғилиши баёнида уй-жойга муҳтож оилаларни ижара талаблари асосида уй-жойларга кўчириш ҳамда компенсация маблағлари тўлаб бериш топшириғи берилган. Ушбу топширик ижроси жойига чиқиб мониторинг қилинганда топширик амалда тўлиқ бажарилмагани аниқланди.

Адлия органларининг фаол кўмаги натижасида республика бўйича уй-жойга муҳтож жами **2084 та** оила ижара талаблари асосида уй-жойларга кўчирилди, уларга **3 миллиард 216 миллион сўм** компенсация маблағлари тўлаб берилди ва **732 та оила** бепул уй-жой билан таъминланди.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида, сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан соҳалар, худудлар ва идоралар кесимида **манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишларни** ташкил қилиш ва жойлардаги ҳолат мониторингини юритиш амалиёти янгилик замонавий иш услубларидан бири бўлиб, ўз самарасини бермоқда.

Ушбу вазифани тўлақонли бажариш мақсадида бугунга қадар вазирлик томонидан 2022 йилда жами **6 та** вазирлик ва идорада **манзилли ва тематик ўрганишлар** ўтказилди.

Мазкур ўрганишлар жараёнида **200 дан ортқ** норматив-ҳуқуқий ҳужжат қамраб олинди, **25 мингдан ортқ** камчилик ва қонун бузилиши ҳолати аниқланди. Вазирлик томонидан давлат органлари ва ташкилотларга ижро интизомни бузилиши ҳолатларини бартараф қилиш тўғрисида **25 та** тақдимнома киритилди ва натижаси бўйича **30 нафар** ходим интизомий жавобгарликка тортилди. Хусусан, **7 нафари** эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган бўлса, **19 нафарига хайфсан**, **4 нафарига эса жарима** тарикасидаги интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Топшириқлар ижросини ташкил этиш ва таъминлашда жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик — давр талаби

Ўрганишлар натижалари ҳамда топшириқлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш ҳолатини жамоатчиликка етказиш юзасидан оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Жумладан, “Юксалиш” умуммиллий харақати ва “Тараққиёт стратегияси” марказида журналист ва блогерлар иштирокида ўрганишлар натижаларини муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилди ҳамда **16 мартаба жамоатчилик эшитиви** ва “Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда” мувзусида **брифинглар** ўтказилди.

Шунингдек, ижро этилган топшириқлардан аҳолининг қониқши даражаси ва жамоатчиликни қийнаётган масалаларни аниқлаш, ижронини таъминлаш йўл қўйилган камчиликларни тезкор равишда бартараф этиш ҳамда фуқаролар билан қайта алоқани ўрнатиш мақсадида “Telegram” ижтимоий тармоғида **“Ижро назорати” боти** фаолияти йўлга қўйилди. Натижада 2022 йил давомида бот орқали фуқаролардан келиб тушган **2000 дан ортқ** хабар тегишли масъулларга етказилди ҳамда ижроси устидан назорат ўрнатилди. Шу билан бирга, жорий йилнинг апрель ойидан топшириқларнинг ижро ҳолати, эришилаётган ижобий натижалар ҳамда соҳадаги айрим камчиликларни халқчил тарзда очиб беришга мўлжалланган **“Алоҳида назорат” кўрсатуви** жорий этилди.

Қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлашда йўл қўйилаётган айрим тизимли камчиликлар таҳлили

Ушбу йўналишда эришилган ютуқлар билан бирга, ханузгача айрим камчилик ва тизимли муаммолар ҳамда тартибга солиниши лозим бўлган масалалар ҳам учраётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Биринчи, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш босқичида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан етарлилик **иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаётгани** сабабли топшириқларни ўз вақтида ва самарали ташкил қилиш оқсамоқда.

Иккинчи, айрим ижрочилар томонидан масъулиятни ҳис қилмаслик, “Бу топшириқ бизга тааллуқли эмас” ёки “Биз бу топшириқ ижроси бўйича нима қилишимиз керак?” деган мазмундаги турли баҳоналар қилиниб, топшириқни бажаришни пайсалга солиш ҳолатлари амалиётда, афсуски, учрамоқда. Мазкур ҳолатлар, ўз навбатида, топшириқлар белгиланган муддатда бажарилмаслигига ёҳуд сифатсиз бажарилишига олиб келмоқда.

Айни қўриқдаги ҳолатлар юзасидан минг йиллар олдин юнон файласуфи **Суқрот “Кимки ҳаракат қилиб топшириқни бажаришга интилади, уни бажаришининг йўлини, албатта, топади, қимки уни бажаришни хоҳламаса, фақат баҳона қирилади”**, — деб бежиз айтмаган эди.

Учинчи, айрим масъул ижрочилар томонидан расмий ҳужжатларни қалбақиллаштириш, ёлгон маълумотлар тақдим этиш, топшириқларга юзаки ёндашиш, топшириқни тезкорлик билан бўйнидан соқит қилишга уриниш ҳолатлари кузатилаётгани ачинарли.

Адлия органлари томонидан бундай ҳолатлар **“фавқултда ҳолат”** деб баҳоланиб, масъул ижрочиларни ишбатан қатъий чоралар кўриш тақлифлари ҳукумат доирасига олиб чиқилмоқда.

Қонунчилик ҳужжатлари ижросини барвақт ва сифатли таъминлаш бўйича тақлиф ва мулоҳазалар

Юқоридаги тизимли муаммоларни бартараф этиш ҳамда Ўзбекистон Президентининг қарор ва фармонларида белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ҳамда сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги **чора-тадбирларни** амалга ошириш мақсада мувофиқ.

Биринчидан, илғор хорижий тажриба асосида қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш, шунингдек, масъул ижрочиларга ҳуқуқий-услубий кўмаклаш мақсадида ҳафтанинг тегишли кунлари адлия органларида доимий равишда **“жонли мулоқот” ўтказиш ҳамда манзилли ва тематик ўрганишларни** кўпайтириш лозим.

Иккинчидан, ташкилот ва идораларда ижро интизомини намунали йўлга қўйган **масъул ходимларни рағбатлантириб бориш** тизимини йўлга қўйиш тақлиф этилади.

Учинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилишга **жамоатчилик назорати ресурслари** (маҳалла, журналист ва блогерлар ҳамда нодавлат ноширолат ташкилотлар)ни кенг жалб қилиш ҳам ўз фойдасини беради.

Қурилаётган барча чора-тадбирлардан қўзланган пировад мақсад, энг аввало, халқимиз турмуш шартини яхшилаш, демократик ислохотларни янада кучайтириш, халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш тарзини яратиш орқали мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига қўшишдир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Халқ биздан рози бўлса, ишимизда унум, баракка бўлади. Одамларнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир”**.

“Яшил макон”:

20 октябрдан 1 декабргача кўчат экиш бўйича

“ДОЛЗАРБ 40 КУНЛИК”

ТАДБИРЛАРИ БОШЛАНДИ

2021 йил КУЗ МАВСУМИДА БОШЛАНГАН “ЯШИЛ МАКОН” ЛОЙИХАСИ ВА “ДОЛЗАРБ 40 КУНЛИК” ТАДБИРИ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ МИҚЁСИДА 85 МИЛЛИОН ДОНА ДАРАХТ ВА БУТА КЎЧАТЛАРИ ЭКИЛДИ. 2022 ЙИЛ БАҲОР МАВСУМИДА ЭСА ХУДДИ ШУ ТАРТИБДА 125 МИЛЛИОН ТУПДАН ОШИҚ ДАРАХТ КЎЧАТИ ЎТҚАЗИЛДИ.



Нарзулла ОБЛОМУРОВОВ, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Афсуски, кишилиқ жамияти ривожининг ўтган даврида бу ҳаёт ҳақиқатига тўла амал қилинмади. Натижада бугунги кунга келиб илм-фан тараққиётининг юксак босқичлари билан юзлашиб турган инсоният қатор экологик ноҳушлиқлар гирдобига тушиб қолди. Чўлпаниш, экотизимлар емирилиши, ўрмонлар камайиши, иқлим ўзгариши, тупроқ, ҳаво, сув ифлосланиши каби ҳолатлар бунга мисол.

Бугунги ҳаётимиз ва тараққиётга раҳна солаётган экологик муаммолар сайёрамизнинг тақдирини ўйлайдиган ҳар қандай инсонни ташвишлантирмай қўймайди. Шу боис, жаҳон ҳамжамияти томонидан глобал экологик муаммоларга қарши курашиш ва барқарор ривожланишга эришиш йўлида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Чегара билмас, хууд таълимас экологик муаммолар минтақамизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Шу сабабли, сўнги йилларда жамиятимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида табиий мувозанатни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, экология соҳасидаги ишларни ташкил этиш борасида ҳуқуқий ва ташкилий асослар замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштирилди. Охириги йилларда бу йўналишда Президентимизнинг 20 га яқин фармон ва қарорлари, давлат дастурлари, стратегиялар қабул қилинди. Соҳада ишларни ташкил этишнинг молиявий манбалари аниқ белгилаб берилди.

2019–2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясининг “Йўл харитаси”да муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони мамлакат ҳудудининг 12 фоизини ташкил этишига эришиш белгилаб берилган эди. Кейинги йилларда амалга оширилган кенг қамровли чора-тадбирлар натижасида 2022 йилнинг октябрь ойи ҳолатига бу кўрсаткич 14,08 фоизга етказилди. “Яшил Орол денгизи” дастури доирасида 742 минг гектар ерда яшил қопламали ўрмонзор, Нукус, Урганч ва Хива шаҳарлари атрофида “Яшил белбоғ” лар барпо этилди. Орол денгизи суви чекинган салкам 1,6 миллион гектарда шўр ва қурғоқчиликка чидамли кўчатлар экилди.

Ўзбекистон Республикасида ўрмон ҳўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ўрмон фонди ерлари майдонини бугунги 11,2 миллион гектардан 14 миллион гектарга етказиш вазифаси юклатилган бўлиб, бу борада кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Баҳариллаётган ана шундай муҳим лойиҳаларга қарамай, соҳада ҳали ечимини кутаётган вазифалар ҳам талайгина. Бу муаммоларни бартараф этишнинг мақбул йўлларида бири ва энг асосийси — табиат муҳофазаси билан боғлиқ ишларни умумхалқ ҳаракатига айлантириш, ёш авлодни аждодларимизнинг эзгу қадриятларига садоқат руҳида тарбиялаш. Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш ана шундай эзгу ва инсоний қадриятларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

БИРНИ КЕССАНГ, ЎНИ ЭК

Ўзгилгимизни, аждодларимиз теран тафаккурини, халқимиз бунёдкорлик ва яратувчилик салоҳиятини намён этувчи қадриятларимиз бисёр.



Улар орасида инсон ва табиат уйғунлигини таъминлашга қаратилган бир қатор урф-одатлар ҳали-ҳамон ҳаётимизга йўлдош бўлиб келади. Масалан, оилада фарзанд туғилса, боболар, оталар унга атаб ниҳол қадайд. Она боласини қандай асраб-авайласа, ота боғдаги ниҳолларни қархотон совуғио саратон жазирасидан эсон-омон олиб ўтиб, дарахтга айланиши учун бор кучи ва меҳрини беради. Шу тахлит инсон ва табиат уйғун ҳолда ривожланиб бораверади, ҳам ризқ яратилади, ҳам оламга гўзаллик бахш этилади.

Инсон нега бу қадар яшилликка интилади? Тирлик учун яшил оламнинг аҳамияти нимада? Келинг, бу саволга жавоб бериш учун қўйидаги маълумотларга эътибор қаратайлик: катта ёшдаги дарахт бир мавсумда йил бўйи ўн киши истемол қиладиган миқдорда кислород ишлаб чиқаради. Бир гектар дарахтзор бир кунда 220–280 килограмм карбонат ангидрид ютади ва 180–220 килограмм кислород беради. Дарахтзорлар ҳаводаги чанг миқдорини камайтиради ва шовқинни пасайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Манзарали дарахт экилган боғда ярим соатлик сайр қилиш бир неча турдаги дори воситалари ўрнини босади.

Кучли санитар сифатида дарахт ва буталарнинг яшил юзаси ис газини ютиб, инсон ҳаёти учун зарур бўлган кислород чиқаради. Дарахтлар ҳам барча тирик мавжудотлар каби ўзига хос қувват манбаига эга. Чунки инсон дарахтлардан таралаётган ифродан баҳраманд бўлиб, кайфияти кўтарилади. Хуллас, дарахт инсоннинг тўлақонли яшаш учун муҳим ҳаётини аҳамиятга эга ва табиатга, инсонга бемисл наф келтиради, ҳаёт давомийлигини таъминлайди. Шу боис, ота-боболаримиз дарахтнинг сояси жонга, меваси танга дармон, дея эълозлайди. Бирни кессанг, ўрни эк, деб табиатни асрашга, яратувчиликка даъват этади.

Ўртимизда амалга оширилаётган “Яшил макон” лойиҳаси ана шундай эзгу қадриятларимиз давомийлигини таъминлаш ва барқарор



оммавий хашар йўли билан 93 гектарга павлония кўчати ўтказилди. Экилган дарахт ва бута кўчатларини парваришлаш учун “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ва ишсиз фуқаролар жалб этилиб, уларнинг меҳнатига 14,3 миллиард сўм иш ҳақи тўланди. Албатта, бундай хайрли ташаббуслар барча ҳудудларда амалга оширилди. Натижада янги-янги боғлар, яшил майдонлар, сайилгоҳлар барпо этилди.

Айни пайтда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида экилган ниҳоллар нобуд бўлмай, униб-ўсиши учун мониторинг юритилапти. Ўтган мавсум тахлили шуни кўрсатдики, айрим ҳудудларда кўчат тўғри келган жойга тартибсиз экилган, молиялаштириш манбаси аниқ белгиланмаган. Қолаверса, кўчат экиш жараёнида тупроқ-иқлим шароити ва сўғориш тизимига етарли даражада эътибор қаратилмаган, экилган кўчатларни сақлаш ва парваришлаш, касаллик ва зараркундандаларга қарши курашиш бўйича тизим яратилмаган. Натижада қанча ниҳол увол бўлди.



“ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАИСЛИГИДА ЖОРИЙ ЙИЛ 11 ОКТАБРЬ КУНИ МАҲАЛЛАЛАРНИ ОБОД ҚИЛИШ ВА АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ЮЗАСИДАН ЎТҚАЗИЛГАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИДА ҲУДУДЛАРНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ МАСАЛАСИГА ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИБ, “ЯШИЛ МАКОН” УМУММиллий лойиҳаси доирасида ЖОРИЙ ВА КЕЛГУСИ МАВСУМДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ.

156 миллион сўм миқдорда маъмурий жарима қўлланилди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳудудларда ҳокимлар ва сектор раҳбарлари томонидан кўчат сўғориш ишларига 743 та махсус сув ташин транспорт воситаси жалб этилиб, эрталабки ва тунги сўғориш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, жойларда “Экологик патруль” тизими ишляпти. Миллий гвардия, ички ишлар ва экология органлари ходимларидан иборат 90 та гуруҳ ташкил қилиниб, барча туман (шаҳар) лар тўлиқ қамраб олинди. Улар томонидан экология соҳасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида 25,7 мингта тезкор-қидирув ва мақсадли рейд ўтказилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Бундан ташқари, “Экологик патруль” ходимлари умумий ахборот воситалари орқали 3735 мартабада чиқиш қилди ҳамда “Экология ва табиатни асрашга барчамиз масъулмиз!” шиори остида учрашувлар ўтказди.

Республика бўйлаб экилган дарахт кўчатлари ва буталарни барча параметрлар асосида назорат қилиш ҳамда ҳисобини юритиш мақсадида “Яшил макон” платформаси шакллантирилди ва унинг мобил иловаси ишга туширилди.

Олдимизда турган мавсумда экилган ниҳоллар қуриб қолиши билан боғлиқ ҳолатнинг олдини олиш мақсадида ҳудудлар кесимида амалга оширилмаган чора-тадбирларни ўз ичига олган “Йўл харита”лари ишлаб чиқилиб, тегишли тартибда тасдиқланди. Бу жараёнда, аввало, ҳар бир ҳудуднинг иқлимига мос, кам сув талаб қиладиган кўчатларни танлаб, уларни етиштириш учун

кўчатхоналарни кўпайтириш, кўчат захирасини яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониға асосан, 186 туман ва шаҳарда 2022–2024 йилларда жами 1278 гектар, шундан 2022 йилда 584 гектар майдонда “Яшил боғлар”, 184 туман ва шаҳарлардаги 306 объектда 2022–2024 йилларда жами 1082 гектар майдонда янгидан “Яшил жамоат парклари”ни барпо этиш белгиланган.

Бугунги кунда “Яшил боғлар” барпо қилинадиган ер майдонларини хатловдан ўтказиш ва лойиҳасини молиялаштиришни қисқа муддатда якунлаш масаласини маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кўриб чиқиш ишлари якунланмоқда. “Ўрмонлоиҳа” лойиҳалаш институти ходимлари маҳаллий ҳокимият ва тегишли идоралар билан биргаликда жойида кўриб, зарур параметрларни аниқлаш ва лойиҳалаш ишларини олиб бормоқда.

ЯХСИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Президентимиз раислигида жорий йил 11 октябрь куни маҳаллаларни обод қилиш ва аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳудудларни кўкаламзорлаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий ва келгуси мавсумда амалга оширилмаган чора-тадбирлар белгилаб берилди. Хусусан, бу йил якунигача 75 миллион туп, келгуси йил баҳор ойларида яна 125 миллион туп мевали ва манзарали кўчат экиш вазифаси қўйилди. Утган йилги тажрибадан келиб чиқиб, 20 октябрдан 1 декабргача кўчат экиш бўйича “Долзарб 40 кунлик” эълон қилинди.

— Дарахт ҳавас билан экилиши, халқимиз, маҳаллаларимизнинг маданиятига айланиши лозим, — деди давлатимиз раҳбари.

Барча юртдошларимиз қаторида қўмитамиз мутахассислари ҳам бу хайрли ишга муносиб улуш қўшилиши мақсад қилган. Бу йил қўмитамиз ташаббуси билан ҳудудларда аҳоли яшаш пунктларида яшил майдонларни ташкил этиш бўйича манзилли дастур тасдиқланди. Унга мувофиқ, ҳар бир ҳудудда биттадан маҳалла танлаб олинди, у ерда яшил майдон яратилди. Бу яшил ҳудудлар майдони 22,5 гектарни ташкил этиши кўзда тутилди. Ҳозирда бунинг учун ҳудудларда жойлар танланган. Режага мувофиқ, 21 минг 450 туп манзарали кўчат экилади.

Жойларда “Яшил макон” лойиҳаси тадбирлари уршқоқлик билан, илмий ва амалий тажриба асосида ташкил этилишини таъминлаш мақсадида эколог, дендролог, тупроқшунос, энтомолог, фитопатолог, ўрмончилик соҳаси олимлари ва мутахассисларидан иборат экспертлар гуруҳи шакллантирилди. Ҳудудларда илмий-амалий семинарлар ташкил этилмоқда. Бу жараёнга ҳокимларнинг масъул ўринбосарлари, соҳага дахлдор ташкилотлар раҳбарлари, фермерлар, деҳқон ва боғбонлар қамраб олинди.

Шу билан бирга, мутахассисларимиз “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш жараёнида илгари йўл қўйилган камчиликларни чуқур таҳлил қилган ҳолда ҳамда белгиланган устувор йўналиш ва топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида тегишли тавсиялар ишлаб чиқиб, тарғиб этмоқда. Белгиланган режага асосан, 2022 йил кузда 75 миллион, 2023 йил баҳорда 125 миллион туп тупроқ-иқлим шароитига мос, сувсизликка чидамли манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ва қаламчалар экилиши мақсадга мувофиқ. Бу жараёнда Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси, фермер ҳўжаликлари ва тадбиркорлар, Бўғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг ҳудудий филиаллари ва аҳоли томорқаларида қаламча етказиб берилиши ташкил қилинмоқда.

Яшил боғлар ва яшил жамоат паркларини ташкил этиш тадбирларига зарур маблағ ажратилишини таъминлаш ва бу йўналишдаги ишларни режа асосида амалга ошириш зарур. Қўмитамиз мутахассислари экилган ниҳолларни парваришлаш жараёнини доимий равишда аэрокосмик тасвирлар ва учувчисиз аппаратлар ёрдамида кузатиб, туман (шаҳар)ларни кўкаламзорлаштириш ҳолатини ўрганади.

ОБОДЛИК ЯРАШГАН МАНЗИЛЛАР

Яхши ният ва ҳавас билан амалга оширилаётган бундай хайрли амаллар аста-секин буй кўрсата бошлади. Ўртимизнинг турли ҳудудларида янги боғлар, яшил ҳудудлар кўпаймоқда. Буюк аждодларимиздан мерос қолган боғларга янгидан ҳаёт бахш этиляпти. Масалан, Самарқандда Амир Темуր боғларини қайта тиклашга киришилди.

Бунёдкорлик ишлари қаторида замонавий маданият ва истироҳат боғларини барпо этишда ҳам кенг қўлланил ишлар олиб боришмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 247 та маданият ва истироҳат боғи мавжуд бўлиб, улар турли вазирилик ва идоралар тасарруфида фаолият юритади. Яқин йилларда кўплаб туман ва шаҳарларимизда замона талабларига мос равишда маданият ва истироҳат боғлари барпо этилди.

Фидойи ва ташаббускор юртдошларимиз саъй-ҳаракати билан юртимизнинг баъзи ҳудудларида боғ яратиш билан боғлиқ янги тажрибалар шаклланимоқда. Сувсиз шароитда боғ яратиш ва парвариш қилиш борасида Кўндага педагогика коллежи тажрибаси бунга мисол. Бу таълим муассасаси директори Мўмин Азимов ва жамоа аҳлининг саъй-ҳаракати билан яратилган боғда ниҳоллар баравж ўсмоқда. Яқинда коллежда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йил кузги мавсумда белгиланган вазифаларни ҳудудлар иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда тўғри ва тизимли ташкил этиш, имкониятлардан умумли фойдаланиш юзасидан тадбир ўтказдик ва таълим муассасасининг тажрибасини оммалаштирдик. Бундай янгича ташаббус ва гоғлар барча ҳудудларда шаклланимоқда. Бу ҳам, ўз навбатида, эзгу ташаббусларга улкан қанот бахш этаётди.

Экология билан боғлиқ яна бир масалани таъкидлаб ўтиш лозим. Бугунги кунда экологик муаммолар барча халқаро ташкилотларнинг юртимизда ўтаётган тадбирлари якуний ҳужжатларида ҳам стратегик масала сифатида ўз аксини топмоқда. Жорий йилда бўлиб ўтган ШҶТнинг Самарқанд саммитида Ўзбекистон томони яна бир бор “Яшил белбоғ” дастурини яратиш ва Орол минтақасининг экологик муаммоларини комплекс ҳал этишни кўплаб-қувватлашга қақирди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан ҳам қўрири баҳоланмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, атроф-муҳит мусоффолигини сақлаш ва табиий ресурслар муҳофазасини амалга ошириш нафақат давлат органлари, балки ҳар бир инсоннинг вазифасидир. Энг аввало, ўзимиз, оила аъзоларимиз табиат ва жамият олдидаги масъулиятни доимо ҳис қилиб яшасак, табиий неъматларнинг қадрига етсак, табиат ҳам биздан саховатини аямайди. Унга берган заррача меҳримиз ўзимизга уммон бўлиб қайтади. Бугун ҳавас билан эккан ниҳолларимиз боғларга, бустонларга айланиб, бағрида авлодларимиз бахтиёр ва шодон ҳаёт кечиради.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ БОРАСИДАГИ ДУНЁ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚ НИГОҲИДА



Акмал САЙДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси
Спикерининг биринчи ўринбосари

Бошланғич 1-бетда

Ассамблеяда глобал миқёсда ва давлатларда гендер тенглик сиёсати ривож, парламентларнинг гендер масалалар буйича фаолиятини қўллаб-қувватлаш, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, хусусан, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, халқаро миграция даражаси юқори бўлган мамлакатлар маҳаллий ва минтақавий ривожланишига ҳамда одам савдоси ва инсон ҳуқуқлари бузилишининг барча шаклларида чек қўйишда парламентлар роли ва аҳамиятини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон делегацияси томонидан мамлакатимизнинг гендер сиёсати, гендерга нисбатан сезгир парламентни шакллантириш, конституциявий ислохотлар жараёнида гендер тенгликни амалга ошириш борасидаги тажрибаси ҳамда жорий йил сентябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Жаҳон парламентлари аёл спикерлари саммити, унда қабул қилинган Тошкент декларацияси ҳақида атрафли маълумот берилди. Дунё парламентлари делегациялари Ўзбекистон тажрибасини эътироф этиб, уни кенг тарғиб қилиш лозимлигини таъкидлади.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Парламентларо иттифоқ (ПИ)нинг тегишли резолюциялари ва Кигали декларацияси қабул қилинди.

Кун тартибидagi масалалар борасида дунё, айрим минтақа ва давлатларда сўнги йилларда кузатилаётган тенденциялар таҳлили асосида куйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозим деб биламиз.

Замонавий дунёда гендер тенглик сиёсати

Бугунги кунда гендер тенглик БМТ, ПИ, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилот ва тузилмалар, давлатлар сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Чунки бу инсон кадри, эркинликлари ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш, глобал миқёсда ва давлатлар барқарор taraққиётини таъминлаш, тинчлик ва хотиржамликни ўрнатилишига асосий таълаблари ҳамда зарурий шартларидан ҳисобланади.

Ушбу соҳада биринчи БМТ доирасида қатор халқаро шартномалар, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактлар, Хотин-қизларни камситилишига барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси каби ўнлаб халқаро ҳужжат қабул қилинган. Улар гендер тенглик ва адолат тамойилларини ўзида акс эттириши, ўзаро боғлиқлиги, бир-бирини тақозо этиши ва тўлдириши ҳамда ҳаётлиги билан ажралиб туради.

Бунда Хотин-қизларни камситилишига барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция умумэтироф этилган аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенглигига эришиш борасидаги “жаҳоннинг глобал конституцияси” саналади. Эраклар ва хотин-қизлар ҳуқуқларини тўла амалга ошириши таъминлайдиган, гендер тенгликка асосланган конституцияни ишлаб чиқиш гендер тенгсизликни бартараф этишга ёрдам беради ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишига ҳуқуқий асос яратди.

Парламентларо иттифоқ томонидан 2012 йилда қабул қилинган “Гендерга нисбатан сезувчан парламентлар учун ҳаракатлар режаси”нинг ҳаётга татбиқ этилаётгани мамлакатларда ва глобал миқёсда гендер сиёсати ривожлантириш ва гендер тенгликка эришишга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ассамблеянинг “парламентда аёллар кўпчилиги ташкил этган дунёдаги илк давлат — Руандада” ўтказилган, “Парламентларо иттифоқнинг гендер тенглик ва гендерга нисбатан сезгир парламентларни яратишдаги аҳамияти”ни юқори баҳолаганини таъкидлаш жоиз. Унинг сўзларига кўра, “аёллар жамият ҳаётда етакчи ролларни эгалласа, ижроия ва қонун чиқарувчи органлар ҳам кўпроқ масъулиятли бўлади”.

Парламентларо иттифоқ президенти Дуарте Пачеко ҳам ассамблея асосий кун тартибини танлашда парламентдаги депутатларнинг 61 фоиздан ортигини аёллар ташкил этган Руанда тажрибаси инобатга олингани ҳамда

“Руанда руҳи” ПИ ишига ижобий таъсир этишига ишонч билдирди. “Дунё парламентларида аёллар вакиллиги ортиб бориши, аёллар имкониятларини кенгайтиришда аёл спикерларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир”, — деди.

Д.Пачеко, шунингдек, 2022 йил 8-9 сентябрда Ўзбекистонда 17 аёл спикер, 120 дан ортиқ аёл депутат иштирок этган Жаҳон парламентлари аёл раҳбарлари саммитида қабул қилинган “Барқарорлик ва фаровонликни ошириш мақсадида хатарларнинг олдини олиш: Парламент етакчилиги” номли Тошкент декларациясининг гендер тенгликка эришиш йўлида муҳим ҳужжат эканига алоҳида эътибор қаратди.

Парламентларо иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонг Ўзбекистонда гендер тенглик ва гендерга нисбатан сезгир институтлар, жумладан, “гендер масалаларга сезгир парламент” яратилгани, улар барча хотин-қизларнинг эраклар билан бир хил ва тенг ҳуқуқ, эркинликлардан тўлиқ фойдаланиши, ҳар қандай хатардан холи, муносиб ҳаёт кечириши, умуман, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бораётганига ургу берди.

М.Чунгонгнинг сўзларига кўра, БМТ ва ПИ томонидан соҳага оид халқаро ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилиши натижасида бугунга келиб миллий парламентларда аёлларнинг улуши 26,1 фоизни ташкил этди (2001 йилда — ўртача 14 фоиз), 193 мамлакатдан бештасида — Руанда (61 фоиз), Куба (54,4 фоиз), Никарагуа (50,6 фоиз), Мексика (50 фоиз) ва Бирлашган Араб Амириклари (50 фоиз), Янги Зеландия (49,7 фоиз), Исландия (47,6 фоиз) ва Коста-Рика (47,4 фоиз)да парламент аъзоларининг кўпчилигини аёллар ташкил этди. Бош котиб “парламентда аёлларнинг салмоғи 33 фоизни ташкил этган Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари рейтингинда 55-ўринга кўтарилгани”га эътибор қаратди.

Ҳали-ҳануз дунёда бирор мамлакат гендер масалаларни тўла хал қилган, деб бўлмайди. Шунинг учун ПИнинг 145-ассамблеяси асосий ҳужжати бўлиши Кигали резолюциясида таъкидланганидек, дунё мамлакатлари даражасида ва глобал миқёсда гендер сиёсатини ривожлантириш, “гендерга нисбатан адолатли ва гендер сиёсатини

66 БУГУНГИ КУНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ТЕГИШЛИ МАСАЛАЛАРНИНГ ДУНЁ КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ, “ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРГА СЕЗГИР КОНСТИТУЦИЯЛАР” ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ НАМОЁН БЎЛМОҚДА. АЛБАТТА, ЎЗБЕКИСТОН ҲАМ УШБУ ЙЎНАЛИШДАН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН БИРГА ҚАДАМ ТАШЛАМОҚДА.

қўллаб-қувватловчи жамиятни шакллантириш”, қарорлар қабул қилишда сиёсий институтлар томонидан аёллар хизмат қиладиган ташкилотларда хотин-қизларнинг овозларини инобатга олишни таъминлашда гендер сезувчан парламентлар ишини йўлга қўйиш ва уларни баҳолашда куйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан:

- ▶ гендер масалаларини инобатга олган ҳолда парламент тузилмаларини такомиллаштириш;
- ▶ парламентда “гендер маданияти”ни шакллантириш, “гендер сезувчанлигини” тушуниш, уни парламент фаолиятининг асосий тамойилларига айлантириш ва амалиётда қўллаб билиш;
- ▶ жамият ва давлат ҳаётда гендер тенгликни таъминлаш стратегиясини ривожлантириш, гендер масалаларини инобатга олувчи бюджетни шакллантириш ва гендер аудитини амалга ошириш;
- ▶ жамиятдаги гендер тенгликка нисбатан муносабатни доимий мониторинг қилиш, ўрганиб бориш, тегишли тадқиқотларни амалга ошириш ва тавсиялар тайёрлаш;
- ▶ гендер тенглик сиёсатининг ҳаётга татбиқ этилиш ҳолати ва хотин-қизларнинг давлат бошқаруви органларидаги вакиллиги ва иштирокини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эгаллигини кўрсатмоқда.

Глобал гендер тенглик ва Конституция

Бугунги кунда гендер тенгликни таъминлашда тегишли масалаларнинг дунё конституцияларида акс эттирилиши, “гендер масалаларга сезгир конституциялар” қабул қилиниши тенденциялари намён бўлмоқда. Албатта, Ўзбекистон ҳам ушбу йўналишдан жаҳон ҳамжамияти билан бирга қадам ташламоқда.

Бу борада Парламентларо иттифоқ Бош котиби М.Чунгонг Ўзбекистондаги гендер сиёсат ва конституциявий ислохотлар хусусида гапириб, “Гендер сезгир Конституция” қабул қилиниши мамлакатда хотин-қизларнинг эркинликлари, ҳуқуқлари ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, улар камситилиши ва уларга нисбатан ҳар қандай зўравонликка йўл қўйилмаслигига хизмат қилиши”ни таъкидлади. Руанда парламенти Депутатлар палатаси Спикери Донатилла Мукабаласа ҳам “Руандада гендер тенглик ва аёлларнинг раҳбарлик лавозимларини тарғиб қилиш конституциявий мажбурият” экани, Ўзбекистондаги конституциявий ислохотлар эса дунёдаги умумий тенденцияларни инобатга олаётганини кўрсатиб ўтди.



Соҳага оид дунё конституционализмини ўрганиш халқаро мажбуриятларга мувофиқ хотин-қизлар ва эраклар ўртасидаги тенглик тамойилни амалга ошириш йўлидаги биринчи қадам сифатида гендер тенглик тамойилни конституцияларга киритилаётганидан далолат беради. Бунда гендер нуқтаи назардан конституциявий ислохотларнинг асосий вазифаси, хусусан, куйидагилардан иборат:

Биринчидан, Конституцияга умумэтироф этилган принцип ва нормаларни киритиш. Бугунги кунда дунё конституцияларининг 98 фоизи тенглик ва камситилмаслик, 94 фоизи зўравонликдан ҳимоя қилиш, 86 фоизи хотин-қизларнинг таълим олиши, 85 фоизи ижтимоий хизматлардан фойдаланиш кафолати, 44 фоизи дискриминацияга қарши чоралар ва 12 фоизи хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича алоҳида қоидаларни ўз ичига олади;

Франция Конституциясининг 1-моддасида “Қонун хотин-қизлар ва эракларнинг сайлов мандатлари ва сайланадиган лавозимлардан, шунингдек, масъулиятли касбий ва ижтимоий мансабларидан тенг фойдаланишига қўмақлашди”, деб таъкидланган бўлса, 3-моддасида “Қонунда белгиланган шартларга мувофиқ, ўзларининг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланувчи ҳар икки жинсдаги воёга етган барча француз фуқаролари сайловчилар ҳисобланади” ва 4-моддада сиёсий партиялар ва уюшмалар “қонунда белгиланган шартларга мувофиқ 1-модданинг 2-бандида баён этилган тамойилнинг амалга оширилишига” қўмақлашишлари борасидаги нормалар кўрсатилган.

Умуман, мамлакатимиздаги конституциявий ислохотларни ўрганиб чиққан хорижий парламентарийлар ва экспертлар янгиланаётган Ўзбекистон Конституциясига:

- ▶ инсон қадр-қиммати, эркинликлари, ҳуқуқлари ва қонлий манфаатларини ҳурматлаш ва ҳимоя қилиш;
 - ▶ ижтимоий ва ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш;
 - ▶ хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини сезиларли даражада кенгайтириш каби вазифаларни ҳал этишга қаратилган 100 дан зиёд муҳим янгилик гендер сиёсатини мутлақо янги босқичга олиб чиқади, деб қараб, уларни ижобий баҳоламоқда.
- Уларнинг фикрича, ушбу янгиликлар нафақат соҳага оид халқаро шартномалар тегишли тамойиллари ва қоидаларини қонунчилигимизга имплементация қилиш, балки халқаро ҳуқуқнинг ўзини ҳам ривожлантиришга туртки бўлиши мумкин.

Барқарор ривожланиш мақсадларини таъминлашнинг янги имкониятлари

Гендер сиёсатни ривожлантиришда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартиби алоҳида аҳамият касб этади. Барқарор ривожланишнинг бешинчи мақсадига мувофиқ, 2030 йилга келиб хотин-қизларга нисбатан камситиларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида хотин-қизларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ва етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш зарур. Бундан ташқари, ушбу мақсад давлат ва унинг минтақалари барқарор ривожланиши борасидаги давлат дастурларини қабул қилишда гендер тенглик тамойилларини жорий этишни ўз ичига олади.

Глобал Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон ҳам “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар”ни белгилади. Ушбу Миллий мақсадларнинг бешинчиси амалга ошириш доирасида “Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш”га оид тўққизта вазифа ишлаб чиқилди ва улар босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз Миллий БРМ доирасида куйидагиларни ўз зиммасига олган:

- ▶ ҳамма жабҳада хотин-қизларга нисбатан камситилишининг барча турларини тугатиш;
- ▶ давлат ва хусусий секторда хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча турларини йўқ қилиш;
- ▶ жамият ҳаётда хотин-қизларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ва барча даражада етакчилик учун тенг имкониятларни таъминлаш;
- ▶ давлат дастурларини қабул қилиш жараёнида гендер тенглик тамойилларини тўлиқ акс эттириш.

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, Парламентларо иттифоқнинг 145-ассамблеясида гендер масалалардан ташқари яна бир муаммо — миграция, айниқса, аёллар миграцияси масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда бошқариладиган миграцияни қўллаб-қувватлаш парламентарийларнинг асосий ва устувор вазифаларидан бўлиши кераклиги эътироф этилди.

Хусусан, БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш “барқарор ривожланишни рағбатлантириш ва 2030 йилгача бўлган кун тартибини амалга ошириш, қўламини ва хавфи ортиб бораётган иқлим ўзгаришларига қарши курашиш, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш, очлик инқирози ва кучайиб бораётган гуманитар фақулдада вазиятларга қарши туриш учун ресурсларни сафарбар қилиш, бошқариладиган миграцияни қўллаб-қувватлаш, дунёда тинчлик, тенглик ва ҳамма учун бир хил имкониятлар яратишда” жаҳон парламентларининг роли юқори эканини таъкидлади.

Руанда Президенти П.Кагеме глобал Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, хусусан, миграция ва бошқа долзарб ижтимоий муаммоларга эътибор қаратди. “Дунёнинг қай бир қисмига назар ташламанг, муаммолар бор. Фақат Африкага “муаммолар қитъаси” эмас. Шунинг учун биз бу муаммолар билан шуғулланишимиз керак. Сўнги йилгача йил давомида бу борада адолатли таъминлаш ва фаровонликка эришиш Руанданинг мақсадига айланди ва ушбу гоилар бизнинг барча хатти-ҳаракатимиз, амалиётимизнинг асосини ташкил этди”, дея таъкидлади.

Ассамблеяда Парламентларо иттифоқнинг Демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бюроси томонидан тайёрланган “Халқаро миграция даражаси юқори бўлган мамлакатларнинг маҳаллий ва минтақавий ривожланишига парламентнинг таъсири ҳамда одам савдоси ва инсон ҳуқуқлари бузилишининг барча шакллари, жумладан, давлат томонидан қўллаб-қувватланишига чек қўйиш” номли резолюцияси ҳар томонлама кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

Ушбу резолюцияда:

- ▶ глобал норматив ҳужжатлар қабул қилинишида миграция ва миграцияни бошқариш бўйича парламентларо ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадига уруғ берилди;
- ▶ парламентларо миграция бошқарувини оптималлаштириш ва мажбурий ҳамда тартибсиз миграциянинг асосий омилларини, хусусан, ўта қашшоқлик, иқлим ўзгариши ва табиий офатларни бартараф этиш учун 2030 йилгача Барқарор ривожланиш кун тартибига эришишда фаол иштирок этишга, шунингдек, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни илгари суришга чақирилди;

▶ мажбури муаммоларни ҳал этишга қаратилган миллий ва халқаро дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳуқуқматлар қонрабанди ва одам савдосининг олдини олиш, тергов қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш ва унга қарши курашиш ҳамда ушбу фаолият билан боғлиқ молиявий оқимларни аниқлаш ва тўхтатиш бўйича халқаро ҳамкорликни кучайтиришга даъват этилган.

Парламентларо иттифоқ ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларнинг эътироф этилиши

Ўзбекистон делегациясининг Парламентларо иттифоқ ассамблеясидаги иштироки даврида ушбу ташкилот президенти Дуарте Пачеко, Бош котиби Мартин Чунгонг, Осиё Парламентларо ассамблеяси Бош котиби доктор Муҳаммад Ризо Маждий, Руанда, Швеция, Зимбабве, БАА, Уругвай, Сербия ҳамда бошқа давлатлар парламентлари раҳбарлари ва аъзолари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Хусусан, Д.Пачеко Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан Тошкентдаги учрашувдан катта таассурот олганини алоҳида таъкидлаб: “Ўзбекистон Президенти ўзига ҳоз қобилиятга эга миллат етакчиси, Марказий Осиёдаги кучли, кўзга кўринган сиёсий раҳбар. У кучли ва самарали парламент тарафдори. Унинг парламент ролини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлари қўллаб-қувватлаш раҳбарлари учун намуна бўла олади”, — деди.

Д.Пачеко “Спикер аёлларнинг Тошкент саммити юқори даражада ташкил этилгани учун миннатдорлик билдирди. Ўзбекистоннинг гендер сиёсат борасидаги тажрибаси эътиборга лойиқлиги, шунинг учун Тошкент декларациясини 145-ассамблея кун тартибига киритишга қарор қилинганига ургу берди.

2021 йилнинг июнида Бухоро шаҳрида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларо глобал ҳамкорлик масалаларига бағишланган халқаро форумнинг юқори натижалари ва Бухоро декларацияси қабул қилинганини эътироф этди.

М.Чунгонг “Ўзбекистоннинг фаолиги юксак эътирофга лойиқ”, — деб таъкидлади. Унинг иштирокида “Мен парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаш” чорлови остида Ўзбекистон ёшлар парламентлиги форумида тадбирларнинг натижадорлигига алоҳида тўхталди.

М.Чунгонгнинг таъкидлашича, “Парламентларо иттифоқ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг БРМларни бажаришда ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги резолюциясини қабул қилиш борасидаги ташаббусини тўла қўллаб-қувватлайди”.

Умуман, Парламентларо иттифоқ раҳбарияти ва аъзолари ушбу ташкилот билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ижобий баҳолаб, уни янги босқичга олиб чиқиш истагини билдирди.

ТАЪЛИМ ОДИМЛАРИ

БОЛАЛАР МАКТАБГА БЕПУЛ ТАЙЁРЛАНАДИ

Норой СОАТОВА, Мактабгача таълим вазириликнинг мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва стратегик ривожлантириш бўлими бош мутахассиси



Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида "Инсон кадри учун — 100 та мақсад" белгиланган. Улар орасида адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришга оид вазифалар алоҳида ўрин тутади. Стратегиядаги 39-мақсад "Мактабгача таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш" деб номланади.

Мамлакатдаги барча болаларнинг бир хил бошланғич таълим олиш имкониятини таъминлаш учун ҳар бир ўғил-қизнинг мактабга қабул қилинишидан бир йил олдин тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқи "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги қонунда кафолатланган.

Болаларни бошланғич таълимга тайёрлаш бўйича ижобий тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам ёйиш, мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, соғлом, фаол, баркамол болаларни тарбиялаш мақсадида Вазирлар Маҳжамасининг "Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан 2020–2025 йилларда болаларни мажбурий мактабгача таълим билан қамраб олишнинг мақсади кўрсаткичлари, болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш тартиби, ушбу гуруҳларни моддий-техник воситалар ва таълим-дидактик материаллар билан таъминлаш меъёрлари, бошланғич таълимга тайёрловдан ўтганлик тўғрисида сертификат бериш тартиби ҳақидаги низомилар тасдиқланди.

Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган миллий стратегиясини 2022–2023 йилларда амалга ошириш бўйича "Йул харитаси"да бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрловдан ўтганлик тўғрисида сертификат бериш тартиб-таомилларини тўлиқ рақамлаштириш белгиланган.

Бунда давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари томонидан ҳамда улардан ташқари ташкил этилган тайёрлов гуруҳларида бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтган болалар ҳақидаги маълумотлар Халқ таълими вазириликнинг ахборот тизимига автоматик юборилишини йўлга қўйиш, шунингдек, сертификатларни бланкада бериш, махсус ахборот тизимлари орқали QR-код қўйилган ҳолда ота-онага электрон шаклда хабар

юбориш ҳамда унинг дубликатини бериш амалиётини бекор қилиш назарда тутилган.

Энди болалар мактабга чиқишдан олдин бир йиллик мажбурий бепул мактабга тайёрловдан ўтказилмоқда. Аини пайтга келиб ушбу гуруҳларга қамраб олинган 6 ёшли болалар 589 минг нафар (84 фоиз)га етди. Мактабгача таълим вазирилик томонидан шу йил якунига қадар буни 90 фоизга етказиш, яъни 2022–2023 ўқув йилида 1 минг 535 нафар болани қамраб оладиган шундай гуруҳлар очиш режалаштирилган.

Олти ёшли боланинг таълим жараёнига руҳан тайёрлиги ҳақида гапирганда кўпинча муайян режа асосида, тартибли, кўп қиррали мақсадга йўналтирилган, ўзаро манфиқий боғлиқ, изчил бошланғич таълимга замин вазифасини ўтовчи психик ривожланиш даражасини назарда тутамиз. Бундан ташқари, боланинг яшаш шароити, сиҳат-саломатлиги, оддий кўникмаларни ўзлаштириши каби омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

2016–2018 йилларда болаларни мактабга тайёрлашда ташкил этилган қисқа муддатли гуруҳлар, "Саводхонлик марказлари" учун "Билимдон" дастури ҳамда "Болажон" таянч ўқув дастуридан фойдаланилган. Ушбу дастурлар "Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари" ва унинг 4 та асосий йўналиши бўйича ишлаб чиқилган. Барча педагоглар шу дастур асосида фаолият олиб борган.

Мактабгача таълим вазирилик ташкил этилганидан сўнг Жанубий Корея, Финляндия, Швейцария, Буюк Британия каби давлатлар тажрибаси ҳамда илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари асосида болаларнинг шахсини ривожлантиришга қаратилган "Илк қадам" давлат ўқув дастури ишлаб чиқилди.

Мазкур соҳада фаолият олиб бораётган ҳар бир педагог ижодий ёндашган ҳолда ҳудуднинг ижтимоий муҳити, болаларнинг қизиқиши ва хоҳишидан келиб чиқиб, ушбу дастурга 20 фоиз ўзгартириш киритиши мумкин. Бу эса педагогларни ижодкорликка, ўз устида ишлаш, излаш ва янгилик яратишга ундайди.

Мактабгача таълим ташкилотларида ўқув-тарбия жараёни машғулотлари нутқ ўстириш, саводхонликка ўргатиш, элементар математика, мусиқа, жисмоний тарбия бўйича умумий гуруҳларда олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги қонун ҳамда Жанубий Корея, Буюк Британия, Россия каби давлатларнинг мактабгача таълим соҳасидаги тажрибасини ўргатиш асосида ишлаб чиқилган. Унда мактабгача таълим ёшдаги болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, умумий ўрта таълимга тайёрлаш, уларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланишига доир вазифалар белгиланган.

"Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти" тасдиқлангани соҳа вакиллари учун яна бир муҳим янгилик бўлди. Сабаби ушбу ҳужжат орқали мактабгача таълим ташкилотлари педагоглари олиб борадиган ўқув-тарбия жараёнидан тортиб, гуруҳларни жиҳозлаш, бунда муайян ёшдаги гуруҳларга алоҳида эътибор бериш, кун тартиби ва таълим жараёнини ташкил этишдаги ҳафталик кўламаблар белгилаб берилди.

Болани мактабга тайёрлаш мураккаб жараён. Чунки кичкинтойнинг биринчи синфга тайёр ҳолда бориши нафақат устозлар, балки ота-оналар, оиланинг катталари зиммасидаги энг масъулиятли вазифадир. Бир сўз билан айтганда, эртаммиз эгаларининг билим ва тафаккури Ватанимиз раванқини белгилайди.

ЯНГИ ТИЗИМ

ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИКА

ИЗЛАНИШ, ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ТАЖРИБА МАҲСУЛИ

2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида педагогик таълимни замонавий талаблар асосида ривожлантириш ва сифатли педагог кадрлар тайёрлаш вазифалари қўйилган. Мазкур стратегия асосида халқ таълимининг ривожлантириш бўйича миллий дастур қабул қилинди. Ушбу янги ҳужжатда олий педагогик таълим бўйича халқроқ ҳамкорликни йўлга қўйиш алоҳида белгиланган. Бу борада инновацион педагогикнинг аҳамияти юқори бўлиб, унинг воситасида педагогик таълимни ривожлантириш ва салоҳиятли мутахассислар тайёрлаш мумкин.



Омилхон ИСМОИЛОВ, Тошкент давлат педагогика университети ўзбек-беларусь инновацион педагогика қўшма факультети декани

педагогиксининг миллий тажрибаси ҳамда халқроқ баҳолаш таълим дастурлари қондалари асосида ишлаб чиқилди.

Ўқув адабиётлари ҳам халқроқ педагогик тажрибалар асосида шакллантирилиб, электрон, офлайн ҳамда онлайн намуналари тайёрланган ҳолда таълим жараёнига жорий этилди. Бунинг натижасида 2018–2020 йилларда пандемия туфайли таълим жараёни ZOOM платформаси асосида ташкил этилди. Беларус томонидан 20 нафар тажрибали профессор-ўқитувчи 24 ўқув фани бўйича онлайн/офлайн шаклда маъруза, амалий семинар ва машғулотларни замонавий аудиторияларда ўтди. Бу жараёнда таълим берувчилар ва билим олувчилар инновацион технологиялар имкониятига таянган ҳолда тенг иштирок этганини эслаш жоиз.

Биринчидан, ўқитувчилар ва талабалар илк бор ўқитишнинг онлайн шаклига дуч келган эди, бу борада тажриба кам эди. Иккинчидан, онлайн таълим жараёни ижодий изланишни талаб этди. Учинчидан, ташкил этилган йўналишлар, яъни логопедия, мактабгача таълим ва амалий психология кўп ҳолларда таълимнинг офлайн — бевосита мулоқот шаклига асосланган. Шу сабабли, мазкур йўналишларда онлайн режимда янгича педагогик таълимни қўллаш керак эди. Тўртинчидан, бу жараёнларнинг барчаси мураккаб ижтимоий шароитда изланиш, ижодий ёндашув ва янгича муносабатларга асосланган ҳолда олий педагогик таълимни қўлланган даражада амалга оширишга туртки берди.

Бу орада таълим жараёнини амалий жиҳатдан қучайтиришга хизмат қилувчи халқроқ илмий-амалий анжуманлар, танловлар, учрашувлар ҳамда тажриба алмашувлар кенг йўлга қўйилди. Натижада қўшма факультет фаолияти кенгайиб, талабаларнинг илмий, касбий ва ижодий фаолияти ортди. Асосий эътибор халқроқ миқёсда ўтказиладиган таълим тадбирлари воситасида бўлгани педагогларнинг касбий билим, кўникма ва малакасини назарий ва амалий жиҳатдан уйғун шакллантиришга қаратилди. Бундай имкониятлар натижасида 2021–2022 ўқув йилидан бошлаб қўшма факультетда мактабгача ва бошланғич таълим йўналишлари бўйича сиртки таълим жараёни йўлга қўйилди.

Жорий йилда факультетимизнинг илк битирувчилари касбий ва амалий фаолият учун йўлнамани олди. Уларга Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Беларус давлат педагогика университети дипломлари тантанали топширилди. Иқтидорли талабалар олий педагогик таълимнинг энг муҳим, долзарб муаммоларини бўйича изланишлар олиб бораётгани ва амалий ишланмалар яратётгани устоз-шогирд аънаванаси самарасидир. Жумладан, факультетда тахсил олувчи 70 нафарга яқин иқтидорли йигит-қиз олий педагогика таълим жараёнида ҳамда танловларда катнашиб, муносиб ўринларни эгаллади. Хусусан, талабаларимиз Беларус, Россия, Польша, Украина, Қозғоғистон каби мамлакатларнинг нуфузли анжуманларида илмий мақолаларни, ишланма ва тақдимотлари билан фаол иштирок этди.

Бугун олий педагогик таълим жараёнида инновацион халқроқ ҳамкорлик асосида юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш кўлами кенгайиб бормоқда. Президентимизнинг шу йил 21 июндаги "Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларида хоржий нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни замонавий талаблар асосида йўлга қўйиш вазифаси белгиланган. Мазкур вазифалар ижроси жараёнида факультетимиз фаол иштирок этиши учун фаолиятини янги йўналишлари белгилаб олинган.



ЗИЁ

ЮРТ ТОЛЕИ, ХАЛҚ САОДАТИ

Ёхуд ижодкор зиёлиларнинг имкониятлари кенг сафарбар этилган нуқта

Илм асосида барпо бўлган ҳар бир моддий ва маънавий бунёдкорлик мустақкам бўлганидек, ислохотнинг мазмун-моҳиятини кашф қилувчи омиллар ҳам яна шу илмга боғланади.

Холмухаммад КАРИМИЙ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси

Бу борада миллат зиёлилари кенг қамровли режалар асосида кечю кечю ишламоқда. Бир томонда аждодларимизнинг маданий-маънавий хазиналари, яъни нодир асарларини чоп этиш ишлари давом этаётган бўлса, бошқасида халқ оғзаси ижоди ҳисобланган меросимиз — дostonлар, термалар, халқ қўшиқлари каби

такрорланмас ижод наъмуналари томон китоблар ҳолига келтирилмоқда. Булар ҳаммаси миллатимизнинг сочили ётган бебаҳо хазинасини жамлаб, ёш авлодга етказиш қаракатларидир. Бундан ташқари, фарзандларимиз эркин фикрли бўлиб улғайишлари учун дунё халқларининг сараланган адабиётларини таржима қилиш ишлари жадал кечяётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Тарих гувоҳ, олимлар ҳамда зиёлилар кадр топанг юрт бекимс гуллаб яшаган.

Замонамиздаги ривожланган давлатларни кузатсак ҳам, зиёлилари ҳурмат-эътиборда эканини кўраимиз.

Ота-боболаримиз қалбида битмас-туганмас армонлар билан кўзларида қонли ёшлари қотган не-не даврларни бошдан кечирмади. Миллатимизнинг асрий орзуси — Умра зиёратига бир йилда юз минг ва Ҳажга йигирма тўрт минг мўмин-муслмон юрдошларимиз учун ўрин очилишига сабабчи Президентимиз ташаббуси ва дуолар ижобати эмасми?!

Ватанимиз севадиган, миллатни қадрлайдиган инсонларгина ёши улғуйларга нисбатан марҳаматли бўлади. Ана ушлар ота-онани эъзозлайди, оила мустақкамлигини таъминлайди. Фарзандларини илм олишга йўллайди.

Борди-келди муносабатларда ҳам маданиятли бўлишга интилади. Қариндош-уруғнинг ҳам ҳурматини жойига қўяди. Олимларни эҳтиром қилади. Энг муҳими, ҳаётини муносабатнинг дуру ҳақири бўлган муомала маданиятини сайқаллаб боради. Инсонийлик ҳаётининг асоси — муомала. Ширин ва чиройли муомала эса сўзлар ҳолати ва моҳиятини англашга боғлиқ. Бу борада ҳам сизу бизга қўмақ берадиган яна бадий асарлар бўлади. Негаки бадий адабиётларда шахсларнинг ҳаёти батафсил очиб берилди. Қаерда, қандай, кимга муносабат қилишининг ибратли намуналари кенг ёритилди. Биз бу ҳолатларга қараб, керагича улардан улғи оламиз. Шунингдек, адабиёт — сўзларнинг вазини,

кучини, сеҳрини очиб берадиган неъмат. Бутун бошли жамиятни билиш учун, албатта, сўзнинг мағзини қақиш керак. Буларнинг ҳаммаси онгимизга сўз орқали ўрнашади. Бу жараёнда ҳам адабиёт бир дастурхон вазифасини ўтайди.

Турғонда улғулар макон тутган юрда улкан бир юксалиш. Янги Ўзбекистон дунёга буй кўрсатмоқда. Айтиш мумкинки, бу жаҳада ҳам зиёли ижодкорлар сидқидилдан ўз вазифаларини адо этиб, мамлакатимизда уларнинг қадами етмаган бирор қишлоқ ёки шаҳарча қолмади ҳисоб. Маърифат маканларига, ўрта мактабларга юзлаб китоблар совға қилиш муттасил равишда давом этмоқда. Ўз навбатида, ёшларимиз ҳам маърифат улашга тенг ижод аҳлидан миннатдор.

Илм — ҳаётимизни ёритиб турувчи ёғду. Аксинча бўлса, жамият зулматга қўмади. Илм ва маърифатнинг нақадар муҳимлигини зиёлилар кўпроқ қадрлайди. Мисол учун, бир қадимий иншоотга назар солинг-чи: тарихни чизган меъмор, ашёларини ясаган уста, бунёд этган қурувчи, пардоз берган наққош — бари-бариси ўз касбининг моҳири, зуқко олимми бўлиб чиқади. Шу боис, муҳташам ва гўзал иморат асрлар буйи қад ростлаб турибди. Кишилик жамиятини бинога қиёспайдиган бўлсак ҳам, барчасининг замирида илм ва билимни кўраимиз.

"Демонким, қўнғали поку ҳам қўзи пок, Тили поку сўзи поку ўзи пок".

Ҳазрат Навоий лутф қилгани каби миллат ёшларининг ана шу руҳият билан ўсиб-улғайиши йўлида ижодкор зиёлиларнинг имкониятлари кенг сафарбар этилган. Албатта, бу ишларнинг бардавонлиги миллатимиз қадри янада юксалишига, юртимиз фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

